

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети

«Иқтисодиёт» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ

ИШИ

**Мавзу: “Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторида
таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши”**

Ҳимояга қўйилди:

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири

проф. Рўзметов Б. _____

_____ сонли баённомаси

« _____ » _____ » 2012 йил

Иқтисод факультети декани

И.ф.д. проф. Салаев С.К. _____

Бажарди: Рузматов Нодирбек

Илмий раҳбар: проф. Дўсчанов Т.Д.

Урганч – 2012 йил

Урганч Давлат Университети
«Иқтисодиёт» кафедраси

« ____ » _____ 2012 й.

Урганч ш.

Битирув малакавий иши дастлабки химояси бўйича комиссия аъзолари мажлиси
_____сонли

Б А Ё Н Н О М А С И

Комиссия аъзолари:

1. _____
2. _____
3. _____

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Кафедра мудири
проф. Рўзметов Б.

« ____ » _____ 2012 й

КУН ТАРТИБИ

Эшитилди: _____

Карор килинди: _____

Имзолар:

1. _____

2. _____

3. _____

УрДУ иқтисод факультети кундузги бўлим 4-курс «Иқтисод» гуруҳи талабаси Рузматов Нодирбекнинг «Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши» мавзусидаги битирув малакавий ишига

Т А В С И Я Н О М А

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркини кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Рузматов Нодирбекнинг малакавий битирув иши мана шундай долзарб муаммога бағишланган бўлиб, унда мамлакатимизнинг аграр секторида мустақиллик йилларида олиб борилган таркибий ўзгаришлар таҳлил қилинган ва кенг статистик маълумотлар асосида ёритиб берилган.

Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, олти параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унда кўплаб статистик материаллар асосида бир қанча жадваллар, диаграммалар келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мен ушбу битирув малакавий ишини ДАК олдида ҳимоя қилишга лойиқ ва юқори баҳо қўйиш мумкин деб ҳисоблайман.

Илмий раҳбар:
«Туризм» кафедраси мудири

доц. Садуллаев А.

УрДУ иқтисод факультети кундузги бўлим 4-курс «Иқтисод» гуруҳи талабаси Рузматов Нодирбекнинг «Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр секторида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши» мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулк-таркибий ислохотларда энг аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари жорий этишга асосий эътибор қаратилди.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2000-2010 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлган.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида қишлоқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллаган давлат мулкидан жамоа (ширкат) мулкига ўтиш амалга оширилган бўлса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари тубдан ислоҳ қилиниб, хусусий секторнинг аҳамияти кескин ошиши муносабати билан хусусий, жамоа, ҳиссадорлик ёки хориж сармояси билан шаклланадиган мулклар юзага келди. Жамоа мулки бўлган боғ ва тоқзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ҳамда бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида нодавлат секторнинг улуши 99 фоизни ташкил этмоқда.

Рузматов Нодирбекнинг малакавий битирув иши мана шундай долзарб муаммога бағишланган бўлиб, унда мамлакатимизнинг аграр секторида мустакилик йилларида олиб борилган таркибий ўзгаришлар таҳлил қилинган ва кенг статистик маълумотлар асосида ёритиб берилган.

Рузматов Нодирбек ушбу битирув малакавий ишини бажаришда ўзини меҳнатсевар, тиришқоқ, ҳар томонлама дунёқараши кенг тадқиқотчи сифатида кўрсатди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мен ушбу малакавий битирув иши олий ўқув юрти талаблари даражасида бажарилган ва ДАК олдида ҳимоя қилишга ва юқори баҳога лойиқ деб ҳисоблайман.

Тақризчи:
«Иқтисодиёт» кафедраси мудири

и.ф.н. Матякубов У.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

КИРИШ

1–БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.

- 1.1. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шарт-шароитлари
- 1.2. Фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш тизими
- 1.3. Аграр секторда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари.

2–БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 2.1. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш
- 2.2. Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш
- 2.3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фойдаланилган адабиётлар

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

КИРИШ

1–БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.

- 1.1. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шарт-шароитлари
- 1.2. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тизими
- 1.3. Аграр секторда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари.

2–БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- 2.1. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш
- 2.2. Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш
- 2.3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фойдаланилган адабиётлар

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар ўз натижасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркинни кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **мулкрий-таркибий ислохотлар**да энг аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариغا, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга асосий эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида қишлоқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллаган давлат мулкидан жамоа (ширкат) мулкига ўтиш амалга оширилган бўлса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари тубдан ислоҳ қилиниб, хусусий секторнинг аҳамияти кескин ошиши муносабати билан хусусий, жамоа, ҳиссадорлик ёки хориж сармояси билан шаклланадиган мулклар юзага келди. Жамоа мулки бўлган боғ ва тоқзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ҳамда бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида нодавлат секторнинг улуши 99 фоизни ташкил этмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатда жами суғориладиган ерларнинг деярли 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Суғориладиган ерларнинг 23 фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келиши маълум бўлди.

Маърузада мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражага келган ерларни яхшилаш ва унумдорлигини оширишга қаратилаётган инвестициялар ҳажмини келгуси даврларда тобора кўпайтириб бориш даркорлиги айтиб ўтилган. Айни пайтда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги соҳаларида самарадорликни ошириш, замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш борасидаги ишларни тартига солиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган ишлар талайгина бўлишига қарамастан, чорвачилик, ғаллачилик, картошқачилик каби соҳаларида замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ҳамда бу борадаги

ривожланган мамлакатлар тажрибаларини мамлакатда тадбиқ этиш суи даражада бажарилмоқда.

Чорвачилик соҳасида эришилаётган натижалар борасида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилди, яъни суи соғиб олиш бўйича Дания ва Жанубий Кореяда ўртача 8-9,5 минг килограмми, Венгрия, Германия, Голландия мамлакатларида эса, 6-7 минг килограмми ташкил этса, бизнинг республикада бу кўрсаткич 1,7 минг килограммдан ошмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу ҳол фақатгина иқлим шароитига эмас, балки шу соҳада фойдаланиб келинаётган техника ва технологиялар даражасига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда қўллаш масалалари билан чуқур шуғулланиши, селекция ишларини тобора такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигида унумдорлик кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган чопиқ тракторларининг 55 фоиздан кўпроғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг қарийб 46 фоиздан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётгани, уларнинг қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий талабларга жавоб бермаслиги аниқ бўлади.

Шунга ўхшаш қишлоқ хўжалигига тегишли долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида маърузада қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда ер унумдорлигини ошириш бўйича махсус дастур тайёрлаш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалигида техник ва технологик курулантириш ишларини бажаришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан чуқур фойдаланиш ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш лозим. Бу борада, Президентимиз Германиянинг “Клаас” компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга эътибор қаратилишини айтиб ўтди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари М.Баккет, М.Кемпбелл, С.Брю, А.Г.Михеев, Й.Свинен, Ч.Макурс, С.Б.Ошивен, С.О.Сиптица, О.С.Пчелинцев каби хорижий олимлар томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш масалалари А.Жўраев, Ф.Назарова, У.Нигмаджанов, А.Қодиров, У.Умурзоқов, Ч.Муродов, Р.Хусанов, И.Хушматов, К.Чориев, Т.Фармоновлар томонидан ўрганилган

Битирув малакавий ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий қайта қуриш шароитида мамлакатимизнинг аграр секторида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни ёритиб бериш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Иқтисодиётимизнинг аграр секторида амалга оширилаётган таркибий ислохотларни ёритиб бериш мақсадида битирув малакавий иши олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш шарт-шароитларини ўрганиш;
- Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тизимини таҳлил қилиб бериш;
- Аграр секторда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларини кўрсати бериш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўналишларини аниқлаш;
- Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш йўлларини аниқлаш;
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб бериш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг натижаларидан, унда кўрсатилган таклиф ва тавсиялардан Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини ишлаб чиқишда, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси фаолиятида, шунингдек, университетнинг “Бизнесни бошқариш (қишлоқ ва сув хўжалигида)” мутахассислигида ўқиётган магистрантлар, “Макроиқтисод” йўналишида ўқиётган бакалаврлар ўз таълим жараёни даврида фойдаланишлари мумкин.

1 – БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.

1.1. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шарт-шароитлари

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2010 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,5 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 25,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш республикамизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

“Қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.”¹

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ўз натижасини бермоқда.


Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2000-2010 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, бу кўрсаткич амалдаги нархларда 2000 йилдаги 1 387,2 млрд. сўмдан 2010 йилда 15 810,7 млрд. сўмга етган ёки қарийб 11,4 мартага ўсган. Ўтган ўн йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳар йили ўртача 5 фоиздан юқори бўлди.

Қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар қиймати ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда бу мақсадлар учун амалдаги нархларда 42,6 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 385,6 млрд. сўмни ташкил этди ёки 9,05 мартага ошди. Бундай натижаларга халқимизнинг фидокорона

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 20 январь 2012 йил.

меҳнати ҳамда табиий ва иқтисодий омиллардан, айниқса суғориладиган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазига эришилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркни кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.



11.1-расм. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (% ҳисобида)

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 2000-2010 йиллар оралиғида деярли барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришилди. Жумладан, шу йиллар оралиғида дон ишлаб чиқариш ҳажми 3 929,4 минг тоннадан 6 897,3 минг тоннага ёки 175,5 фоизга, сабзавотлар 2 644,7 минг тоннадан 6 218,2 минг тоннага ёки 235,1 фоизга, полиз маҳсулотлари 451,1 минг тоннадан 1 246,8 минг тоннага ёки 276,4 фоизга, мева 790,9 минг тоннадан 1 696,4 минг тоннага ёки 214,5 фоизга, чорвачилик маҳсулотларидан гўшт ишлаб чиқариш 501,8 минг тоннадан 1 461,4 ёки 291,2 фоизга, сут 3 632,5 минг тоннадан 6 169,0 минг тоннага ёки 169,8 фоизга ва тухум 1 254,4 млн. донадан 3058,8 млн. донага ёки 243,8 фоизга ошган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш ёки чорва моллари бош сонини кўпайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қуватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкрий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

Республика қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ва аграр муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш негизида чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди ва босқичма-босқич амалга оширилди:

I - босқич. 1991-1998 йилларда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

II - босқич. 1999-2002 йилларда зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни ривожланди.

III – босқич. 2003-2008 йиллардан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида ривожлантириш белгиланди ва уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш натижасида мулкчиликнинг ҳамда хўжалик юритишнинг турли шакллари асосида кўп укладли иқтисодиёт пайдо бўлди, ер ислохотлари чуқурлаштирилди. Қишлоқда нодавлат секторининг кенг ривожланишига имкониятлар очилди, фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида қишлоқ хўжалигини давлат тарафидан тартибга солиш механизмларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

2003 йиллардан бошлаб фермер хўжаликларини ташкил этиш ва устувор йўналиш сифатида барқарор ривожлантириш жараёнлари бошланиб, ер участкаларини фермер хўжаликларига бириктириш, эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар кўлами кенгайтирилди.

2004 йил август ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги туғрисида»ги қонунига мувофиқ «Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача булган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга бириктирилиши» белгиланди.

Хуллас, ер ислохоти натижасида:

- 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий қилинди;

- хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари фақат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;

- ер участкалари ижарага 30 йилдан 50 йил муддатгача берилиши қонуний белгилаб қўйилди;

- ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқий мерос қилиб қолдириши тизими жорий қилинди.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари камида 30 бош шартли қорамоли бўлган тақдирда ташкил этилиши белгиланди. Фермерга ҳар бир шартли бош қорамол учун ижарага 0,3дан 0,45 гектаргача суғориладиган ер берилади (хўжалик жойлашган минтақа хусусиятларига қараб).

Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжаликлари туғрисида»ги Қонунга мувофиқ фермерлик хўжаликлари мол-мулки таркибига: турар жой, хўжалик бинолари, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари ҳамда кўп йиллик ўсимликлар, чорва моллари, парранда, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, жиҳозлар, транспорт ва пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, ишлаб чиқариш жараёнида олинган маҳсулот, олинган даромадлар (фойда) ва бошқа сотиб олинган мол-мулк киради.[1.3]

2004-2008 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ Хоразм вилоятида ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилди ва натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат ва миқдор ўзгаришлари юз берди. Чунончи, 2000 йилга нисбатан қишлоқ хўжаликлари экинлари майдонлари бу хўжаликларда республика бўйича 16,7 дан 84,3 фоизгача кўпайди, ўсиш 67,6 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, тегишлича, 5,5 дан 34,7 фоизга кўпайди, ўсиш 29,2 фоизни ташкил қилди (2.1.3-жадвал).

**Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигидаги солиштирма улуши
(фоизда)²**

Кўрсаткичлар	2000 й	2008 й	Ўзгаришлар (+, -)
Ўзбекистон Республикаси			
Ялпи маҳсулот	5,5	34,7	+29,2
Экин майдонлари	16,7	84,3	+67,6
Ишлаб чиқариш:			
- пахта	18,3	99,0	+80,7
- дон	14,5	79,5	+65,0
Хоразм вилояти			
Ялпи маҳсулот	3,2	35,3	+29,2
Экин майдонлари	11,2	81,9	+67,6
Ишлаб чиқариш:			
- пахта	7,8	100,0	+92,2
- дон	7,4	67,5	+60,1

Хоразм вилоятида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик экинлари майдонларидаги улуши 11,2 дан 81,9 гача ошди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмидаги фермер хўжаликларининг улуши 3,2 фоиздан 35,3 фоизгача ўсди. Фермер хўжаликлари 2008 йилда пахта хом ашёсининг 100 фоизини, ғалланинг 67,5 фоизини етиштирди. Ўсиш тегишлича, 92,2 ва 60,1 пунктни ташкил қилди. Фермер хўжаликлари хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг самарали иқтисодий механизмлари ҳали тўлиқ ишга тушмаган бўлса-да, маҳсулот ҳажмларининг ўсишида ижобий тенденциялар кузатилмоқда.

Шунинг учун тармоқни жадал ривожлантиришга иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини ҳамда вилоят аҳолиси даромадларини оширишни таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш оқилона бандлик муаммоларини ечиш, аҳоли даромадларини ошириш ва иқтисодиётда дастлабки жамғариш жараёнларини тезлаштириш нуқтаи назардан долзарб масала ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш хусусий мулкчилик ва рақобат муҳитини шакллантириш, қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат ва ер-сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўли билан амалга оширилиши керак.

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқончилик ва чорвачиликни барқарор ва самарали ривожлантиришни бўйича муайян ички имкониятлар мавжуд. Хоразм вилояти аграр тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари куйидагилардир:

- ер ва сув тизимлари ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида вилоят ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- инвестициявий фаолиятни жадаллаштириш, лизинг операцияларини кенгайтириш ва техника билан таъминлашда рақобат муҳитини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- тармоқни барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бозорга кириб боришидаги

² Муаллифнинг ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосидаги ҳисоб-китоблари

тусиқларни камайтиришга қаратилган қишлоқ хўжалигини бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароитлар яратиш тармоқни ривожлантиришнинг муҳим омилдир. У бозор инфратузилмасини ривожлантириш, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш орқали таъминланади;

- қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларига кўпроқ иқтисодий эркинлик беришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

Шундай қилиб, олиб борган таҳлилларимиз Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиш истиқболларига эга деган хулосага келишга имкон беради. Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотнинг барқарор ўсиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш орқали бозор муносабатларига асосланган мутлақо янги негизда барқарор тақрор ишлаб чиқариш тизимларини шакллантиришга шарт-шароитлар яратади.

1.2. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Фермер хўжаликлари эришаётган натижалар уларнинг аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклларида бири эканини тасдиқламоқда. Аммо, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун бир қатор муҳим вазифаларни, жумладан, уларнинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб этди.

Фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида аксарият фермер хўжаликларида ер майдони ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўсқинлик қилди. Иқтисодий аҳволи ночор бўлган бундай фермер хўжаликлари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблағ билан таъминлашга, банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмади, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасига эга бўлмади. Энг муҳими, улар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадларини муттасил ошириб бориш сингари бозор иқтисодиёти тамойилларига мос бўлиб тушмади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳукуратимиз томонидан фермер хўжаликларининг ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва улар фаолиятини танкидий баҳолаш асосида фермерларга бириктирилган ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг қўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Мақбуллаштириш жараёнида фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуйидаги омиллар эътиборга олинди:

- республикадаги мавжуд фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;

- сув ва бошқа моддий ресурсларини тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш;

- йириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашга молиявий имкониятларини кенгайтириш;

- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши юзасидан амалга оширилган мақбуллаштириш жараёнида 2009 йилда республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан

105 200 тагача ёки 52 % га камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 56,5 гектаргача кўпайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2009 йилдаги мақбуллаштириш жараёни натижалари фермер хўжаликларининг айланма маблағлари ошганлигини, ер участкалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келганлигини кўрсатди. 2009 йил деҳқончилик соҳаси учун мураккаб бўлишига қарамасдан, фермерлар томонидан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ғаллачиликда ҳосилдорлик 5,2 центнерга, пахтачиликда 1,9 центнерга ошганлигини катта ютуқ деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3287-сонли фармойиши асосида фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш ишлари янада изчиллик билан давом эттирилди. Бунинг учун ўтган йилдагидан фарқли ўлароқ, ҳукуматимиз раҳномолигида бу ишга алоқадор барча вазирликлар, идоралар, банклар иштирокида мақбуллаштиришнинг барча жиҳатларини камраб олган чора-тадбирлар дастурлари, услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Пухта ўйланган дастур асосида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми янада мақбуллаштирилди. Натижада 2010 йил бошига келиб фермер хўжаликлари сони 80 628 тага, уларга бириктирилган ўртача ер майдони ҳажми 60,7 гектарга етди.



1.2.1-расм. Фермер хўжаликлари сонининг оптималлаштириш натижасида ўзгариши.

Ўтган 2010 йилда фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш ишлари янада изчиллик билан давом эттирилди. Бугунги кунда республикамизда жами 66134 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ислоҳотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш бўйича имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;
- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;
- ирригация ва мелиорация тизимини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.



1.2.2-расм. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Хусусан, 2009 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва бошоқли дон етказиб берувчи фермер хўжаликларига бериладиган имтиёзли (йиллик 3 фоизли) кредитлар миқдори янада оширилди. Бу мақсад учун ажратилган имтиёзли кредитлар қиймати пахта бўйича 2007-2010 йиллар оралиғида 701,98 млрд. сўмдан 1 006,0

млрд. сўмга, ғалла бўйича 136,87 млрд. сўмдан 332,8 млрд. сўмга ошган.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун «имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси» шакллантирилади ҳамда ҳар йили тижорат банклари фойдасининг 25 фоизи имтиёзли жамғармани шакллантиришга йўналтирилмоқда;

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари Марказий банкнинг расмий қайта молиялаш ставкасидан ошиқ бўлмаган ҳажмда, тижорат банкларининг

махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган бўлса, имтиёзли фоиз ставкалари белгиланади;

- янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиқларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжалиқларига эса 300 баравари миқдорда бошланғич сармоя учун фоиз тўлашни 12 ойгача кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжалиқларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Солиққа тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида Республика Президентининг Фармони билан, фермер хўжалиқлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиғи корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қишлоқ хўжалиғи соҳасида **бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари** қўлланилади:

- янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш фермер хўжалиқларига 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;

- фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари, ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солиғидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшимча қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжалиқлари техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдаланганлик учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Кейинги йилларда фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сервис хизматларини кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг маълумотларига кўра фермер хўжалиқларига самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида бугунги кунда 1720 та муқобил МТПлар, 1711 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаслари (СФУлар), 1377 та ёнилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) ва 917 та минерал ўғит сотиш шохобчалари, 1179 та минибанклар, 424 та қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини тайёрлаш, 2540 та зотли чорва моллари сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатувчи, 301 та ахборот таъминоти ва консалтинг шохобчалари, 82 та транспорт хизмати кўрсатиш, 78 та тара идишлари тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича шохобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

1.3. Аграр секторида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

- ердан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар;
- мулкӣ ва таркибий муносабатларидаги ислохотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимларидаги ислохотлар;
- нарх-наво ва уни эркинлаштириш тизимидаги ислохотлар.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган **ер ва сув ислохотлари** ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ижараси ва ер солиғи муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Агар 1998 йилда қабул қилинган **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ **“фуқароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши”** кўзда тутилган бўлса, 2004 йилда янги тахрирда қабул қилинган **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ **“фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга бириктирилиши”** белгилаб берилди.

Ўтказилган ер ислохотлари натижасида:

- 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий қилинди;
- хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари фақат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;
- ўз маблағи ҳисобидан ер майдонларини ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими белгилаб берилди;
- ер ижараси ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди.

Ер-сув ислохотлари доирасида амалга оширилаётган устувор йўналишлардан бири - ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга оширишдир. Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда 2001 йилда республика бўйича жами 4 252,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг 2 324,6 минг гектари ёки 54,7 % ини у ёки бу даражада шўрланган ерлар ташкил этган. Жумладан, унинг 1212,9 гектарини ёки 28,5 фоизини кам шўрланган ерлар, 893,3 минг гектарини ёки 21,0 фоизини ўртача шўрланган ерлар ва 218,4 минг гектарини ёки 5,1 фоизини кучли шўрланган ерлар ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги **“Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони билан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор суръатлар билан ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди.

Мазкур Фармонга мувофиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат

бюджетидан маблағлар ажратилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш тизимини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 2010 йилга мўлжалланган марказлашган капитал қўйилмалар лимитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадлари учун жами 92 976, млн. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

2010 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлди.

Суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2009 йиллар давомида жами 801,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги 21 та лойиҳа амалга оширилиб, шундан чет эл инвестициялари ҳисобидан киритилган маблағ 560,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Жумладан, 2009 йилда жами 36,9 млн. АҚШ доллари қийматидаги 12 та, 2010 йилда эса жами қиймати 62,25 млн. АҚШ доллари бўлган 9 та инвестицион лойиҳа асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

2010 йилда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга 150 млрд. сўм маблағ сарфланди ва уларнинг қайтарилиши бюджет томонидан кафолатланди.

“Амалга оширилган чора-тадбирлар ва махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.”³

Давлатимиз томонидан сув хўжалиги тизимларини эксплуатация қилиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш, ерларнинг сув таъминотини ошириш ҳамда сув билан кафотли таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилиб, 2004-2010 йилларда давомида давомида сув хўжалиги тизимларини эксплуатация қилиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга, ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ҳамда сув билан кафотли таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилиб, ушбу тадбирларга қарийб 5 трлн. сўм маблағ йўналтирилди.

Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжалиklarининг ҳар томонлама барқарор ривожланишида муҳим омил бўлди. Пировард натижада, ерларнинг унумдорлигини, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошишига олиб келди. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги 2003 йилга нисбатан 4,9 ц/га, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 ц/га кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 20 январь 2012 йил.

Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси белгилаб берилган эди. Мазкур қарорга мувофиқ балл-бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2009 йилда 180 млрд. сўм, 2010 йилда эса 130 млрд сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди.

Ер-сув ислохотлари доирасида аграр тармоқда сувдан самарали фойдаланиш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтказилди;

- республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;

- фермер хўжаликларига сувдан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш ва бу борада хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди.

“Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона худуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенгмиқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.”⁴

Аграр соҳада амалга оширилаётган **мулкий-таркибий ислохотлар**да энг аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга асосий эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида кишлоқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллаган давлат мулкидан жамоа (ширкат) мулкига ўтиш амалга оширилган бўлса, кейинги йилларда кишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари тубдан ислох қилиниб, хусусий секторнинг аҳамияти кескин ошиши муносабати билан хусусий, жамоа, ҳиссадорлик ёки хориж сармояси билан шаклланадиган мулклар юзага келди. Жамоа мулки бўлган боғ ва тоқзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ҳамда бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилди. Бугунги кунда кишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида нодавлат секторнинг улуши 99 фоизни ташкил этмоқда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 20 январь 2012 йил.



2.3.1-расм. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг хўжалик шакллари бўйича тақсимланиши, %да.

1999-2007 йилларда зарар келтириб ишлаётган ширкат хўжалиklarини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжалиklarига айлантириш борасида йирик таркибий ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар натижасида шу йиллар оралиғида жами 2102 та истикболсиз ширкат хўжалиklари босқичма-босқич тугатилиб, улар негизда 158738 та фермер хўжалиklари ташкил этилган эди.

Бугунги кунда фермер хўжалиklари аграр соҳанинг етакчи бўғинига – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланмоқда. 2009 йил якунига келиб фермер хўжалиklари пахта хом ашёсининг 99,1 фоизини, доннинг 79,2 фоизини, сабзавотларнинг 32,9 фоизини ва полиз маҳсулотларининг 47,1 фоизини етиштириб бердилар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **нарх ислохоти** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармонида асосан давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари кўтарилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжалиklarини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан биргаликда бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бир мунча юқори эканлигини инобатга олган ҳолда нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжалиklarига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилган. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланади.

2–БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш асосида аграр соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш

Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш масалаларига эътибор ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар асосан қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар негизида бажарилмоқда:

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги “2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги Қарори;

❖ 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори.

Мамлакатда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга боғлиқ. Айнан шу борада, Президентимиз Ислон Каримов “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.” деган фикрни таъкидлаб ўтди.


Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.



2.1.1-расм. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ресурсларни тежашдаги таъсири

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатлар иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатишда давом этаётган бир вақтда фан ва технологияни жадал ривожлантириш ва унинг ютуқларидан самарали фойдаланишга талаб тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ўз ўрнини топиши учун ягона йўл бўлиб қолди. Ишлаб чиқаришни замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради. Бу ҳолни қуйидаги схемада кўриш мумкин.



2.1.2-расм. Юқори технологиялардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга бўлган таъсири.

Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг ортиши, иқтисодий ўсиши, фақат унинг табиий ресурслари ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника-технологиясининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу боғлиқликни буюк математик П.Пильцер қуйидаги формула орқали изоҳлаган:

$$W = P \times T^n$$

Бу ерда, W – мамлакатнинг бойлиги, P – табиий ресурслар, T – технология, n – техника тараққиётининг технологияга таъсири даражаси.

2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган асосий вазифалар ҳисобланмиш, ислохотларни давом эттириш, чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш каби долзарб масалалар жорий йил учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инқирозга қарши чоралар дастурига биноан мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш, биринчи навбатда ички манбаларни йўналтириш асосида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш,

иккинчидан, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш, учинчидан эса, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилган эди.

Барча қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилган дастурлар аввало аҳоли истеъмолини тўла-тўқис ва сифатли товарлар билан таъминлашга қаратилган бўлади. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047 сонли “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам шу мақсадга қаратилган. Ушбу қарорда асосан қуйидагиларга кўпроқ эътибор қаратилган:

- Ихтисослаштирилган “Мевасабзавоттайёрловсавдо” компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш
- Асосий фаолият тури гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 %га камайтириш
- Гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни боғхона тўловлари тўлашдан озод қилиш

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилган муҳим устувор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш деб топилди. Маърузага кўра, 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортигини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани ҳамда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал кўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётганини қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш борасида, аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш муҳимлиги, бу соҳадаги қилинаётган ишларнинг кенгайиб бораётганлигига қарамадан, суғориладиган объектларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати атрофлича муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги эътироф этилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатда жами суғориладиган ерларнинг деярли 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Суғориладиган ерларнинг 23 фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келиши маълум бўлди.

Маърузада мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражага келган ерларни яхшилаш ва унумдорлигини оширишга қаратилаётган инвестициялар ҳажмини келгуси даврларда тобора кўпайтириб бориш даркорлиги айтиб ўтилган. Айни пайтда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги соҳаларида самарадорликни ошириш, замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш борасидаги ишларни тартига солиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган ишлар талайгина бўлишига қарамадан, чорвачилик, ғаллачилик, картошқачилик каби соҳаларида замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ҳамда бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларини мамлакатда тадбиқ этиш сўст даражада бажарилмоқда.

Чорвачилик соҳасида эришилаётган натижалар борасида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилди, яъни сут соғиб олиш бўйича Дания ва Жанубий Кореяда ўртача 8-9,5 минг килограмми, Венгрия, Германия, Голландия мамлакатларида эса, 6-7 минг килограмми ташкил этса, бизнинг республикада бу кўрсаткич 1,7 минг килограммдан ошмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу ҳол фақатгина иқлим шароитига эмас, балки шу соҳада фойдаланиб келинаётган техника ва технологиялар даражасига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда қўллаш масалалари билан чуқур шуғулланиши, селекция ишларини тобора такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигида унумдорлик кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган чопиқ тракторларининг 55 фоиздан кўпроғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг қарийб 46 фоиздан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётгани, уларнинг қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий талабларга жавоб бермаслиги аниқ бўлади.

Шунга ўхшаш қишлоқ хўжалигига тегишли долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида маърузада қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда ер унумдорлигини ошириш бўйича махсус дастур тайёрлаш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалигида техник ва технологик қуруллантириш ишларини бажаришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан чуқур фойдаланиш ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш лозим. Бу борада, Президентимиз Германиянинг “Клаас” компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга эътибор қаратилишини айтиб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектларининг фаолияти ўзаро бир-бирига боғланган жараёнлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар кўп сонли ва турли-туман омилларнинг бевосита таъсирида бўлади, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тузилмасининг бузилиши эса қутилаётган натижаларда ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичлари бўйича зарар кўриш хавфининг ортишига олиб келади. Бунда омиллар кўпинча ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларига турли йўналишларда таъсир қилади: бир хиллари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келса, бошқалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади (2.3.1-расм).

Бир вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи ҳисобланган омилларнинг йиғиндиси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларининг ўзи томонидан шаклланиши ҳам, ёки уларнинг иштирокида ҳам юзага келиши мумкин. Замонавий шароитларда омиллар комплекси қуйидагиларни ўз ичига олади: меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, концентрация, кооперациялаш, интеграциялаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ҳ.к. Бунда инвестициялар ва инновациялар каби омилларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз.

Чунончи, ички барқарорликка қишлоқ хўжалиги корхоналарининг шундай ҳолатини киритиш мумкинки, бунда ишлаб чиқаришнинг ҳамда олинган маҳсулотни сотишнинг моддий-буюм, қиймат таркиби ишлаб чиқариш фаолиятининг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш имконини беради. Бу эса корхона барқарор ва самарали ишлаб чиқариш натижаларини белгилайдиган ташқи ва ички омиллардан оқиллона фойдалангандагина таъминланади.

Умумий ҳисобда қишлоқ хўжалиги учун бошқа тармоқларга қараганда табиий омилларнинг роли юқорилиги хос, бу беқарорликнинг умумий белгиларида ҳам, алоҳида ҳудудлар бўйича табақаланишда ҳам намоён бўлади. Бу ердаги табиий шароитлар ишлаб чиқаришни узлуксиз сақлаб туриш, қишлоқ хўжалигининг ўзини ҳамда унга турдош тармоқларни ривожлантириш учун қўшимча қийинчиларни юзага келтирар экан, такрор

ишлаб чиқаришни тартибга солишда иқтисодий ва ташкилий омилларнинг аҳамияти ҳам шунчалик ортиб бораверади. Ташкилий омилларга тармоқларни оқилона боғлаш, алмашлаб экишнинг илмий асосланган омилларига риоя қилиш, рационал ем-ҳашак базасини ташкил қилиш, иш жараёнларини тўғри ташкиллаштириш ва уларни энг мақбул агротехник муддатларда ва юқори сифат билан бажарилишини таъминлаш, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакллари ўзлаштириш, кадрлар малакасини ошириш ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин.

Ўз навбатида, омиллар ташқи ва ичкиларга бўлиниши лозим. Ишлаб чиқариш барқарорлигининг ички омиллари бўйича туман шароитлари учун барқарорликни ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш (масалан, туман доирасида), муайян маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг ҳатти-харакатларига боғлиқ. Ташқи омиллар – бу шундай омилларки, уларни амалга ошириш хўжалик юритишнинг юқорироқ даражасида қабул қилинган қарорларга боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш, аксарият қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларининг фикрича, фақат бозор тузилмаларини ривожлантириш орқали, хусусан, барча тармоқларда ҳам, АСМ тизимидаги такрор ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам маҳсулотлар ва хизматлар, қимматли қоғозлар бозори, ахборот таъминоти ҳамда уларни ўзаро боғлиқ ва келишилган, мутаносиб ташкил қилишни тақозо этади.

АСМ тармоқларидаги ишлаб чиқариш фаолиятини яхши йўлга қўйилган, асосланган муомала соҳасисиз тасаввур қилиб бўлмайди унинг асосини эса барча бозор тузилмаларининг фаолияти ташкил қилади. Айни муомала соҳасида тадбиркорлар ўзларининг барча товар ва хизматларини сотадилар ва уларнинг эвазига даромад оладилар, бу даромаднинг бир қисми ишлаб чиқаришнинг ҳар бир иштирокчиси фойдасига ўтказилади, бошқа қисми ҳисобига эса тадбиркор такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади, бунинг учун зарур ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин сотиш зарурати аграр бозорни ва унга мос келадиган бозор инфратузилмасини шакллантиришни тақозо этади. аграр бозор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошлашда иқтисодий муносабатларни акс эттирибгина қолмасдан, балки уларни ривожлантиради ҳам, шунингдек, аграр-саноат ишлаб чиқаришининг тартибга солиш дастаги. У бир томондан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни рағбатлантирса, бошқа томондан, самарали бозор механизмини яратиш, товар ишлаб чиқарувчилари ва товар истеъмолчиларининг ўзаро манфаатдорлиги асосида ишлаб чиқариш воситалари ва моддий ресурсларни ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларини барқарорлаштириш ва уларни турғун иқтисодий ривожлантиришга ёрдам беради.

2.2. Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш

Президентимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишни изчиллик билан давом эттириш алоҳида эътиборни талаб қиладиган муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлаб, истиқлол йилларида бу соҳада қўлга киритилган ғалла мустақиллиги, пахта толасини экспорт қилиш бўйича натижаларга тўхталиб ўтди. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарасини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шакллари тубдан ислоҳ қилиш, фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқларимизни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифалари доимий эътибор марказида туриши шартлигини эслатиб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги 2006 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25,0 фоизини етиштириб берди, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 28,3 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди (9-жадвал).

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғининг тутган ўрни (ҳақиқий нархларда, млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2001	2002	2003	2004	2005	2006
Ялпи ички маҳсулот	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15210,4	20759,3
Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	1476,3	2244,2	2801,8	3242,3	3801,6	7314,0
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги салмоғи, фоизда	30,0	30,1	28,4	26,4	25,0	25,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1320,9	1526,6	1978,1	2629,0	3165,2	3838,3
Шу жумладан: қишлоқ хўжалиги тармоғига	71,8	102,2	98,5	113,6	137,9	175,8
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, фоизда	5,5	6,7	5,0	4,3	4,4	4,6
Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони, минг киши	9136,0	9333,0	9589,0	9910,0	10196,3	10467,0
Шу жумладан: қишлоқ хўжалигида банд	3054,0	3038,3	3055,0	3035,2	2967,4	2963,5
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, фоизда	33,4	32,6	31,9	30,6	29,1	28,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. Ўтган 2001-2006 йиллар оралиғида жорий нархларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ўсиб бориш динамикасига эга бўлиб, 2001 йилдаги 1476,3 млрд. сўмдан 2005 йилда 7314,0 млрд. сўмга етган ёки деярли 5 баравар ўсган.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосий мақсади – инсон омилининг роли ва аҳамиятини, унинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини юксалтиришдан манфаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдан иборат.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- қишлоқда мулкый муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ҳақиқий ер, маҳсулот ва мулк эгаларини шакллантириш;

- чекланган ер-сув ва бошқа моддий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга имкон яратувчи хўжалик юритиш тизимини жорий этиш;

- фермер хўжаликлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тизим – ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш;

- шартнома муносабатларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини ва жавобгарлигини таъминлаш;

- саноат ва аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни тўла ва ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун ислохотларнинг қуйидаги йўналишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда:

- маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар;

- мулкый ва таркибий ислохотлар;

- ер-сув ислохоти;

- нарх ислохоти;

- молия-кредит ва солиқ ислохоти;

- ташкилий-институционал ислохотлар.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичлариданоқ ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий негизини шакллантиришда энг аввало қуйидаги тамойилларга таянилди:

- қишлоқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан самарали тармоқ таркибини ва ташкилий-бошқарув тузилмасини яратиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
- турли мулк шакллариغا, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари жорий этиш;
- бозорнинг очиқлигини таъминлаш ва барча хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг шароитларда, самарали фаолият юритишига имкон берувчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш;
- монополияга қарши кураш ва адолатли рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
- хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини ҳимоялаш ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини белгилаш;
- қонунлар устуворлигини таъминлаш ва унинг мониторинги.

Мамлакатимизда амалга оширилган ер ислохотининг асосий мазмуни қуйидаги жиҳатлар орқали намоён бўлади:

- 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказилди;
- ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга фақат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;
- ер участкалари ижарага 30 йилдан 50 йилгача берилиши белгилаб қўйилди;
- ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди;
- ўз маблағи ҳисобидан ер ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган сув ислохотининг асосий мазмуни қуйидаги жиҳатлар орқали намоён бўлади:

- ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтказилди;
- Республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва битта Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик Марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;
- фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этиш йўлга қўйилди;
- сув ресурсларидан мукамал фойдаланишни таъминлаш учун соҳада бозор тамойилларига ўтиш белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилаш тизимини ислох қилиш қуйидаги чора-тадбирлар орқали амалга оширилди:

- давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;
- давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархини минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;
- бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланади.⁵

Президентимиз ўз маърузасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарасини оширишда қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар куриш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шакллари

⁵ Салимов Б.Т., Абдуғаниев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари / Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007, 47-48-б.

ривожлантириш бўйича 2007-2011 йилларга белгиланган ягона дастурни ишлаб чиқишнинг зарурлигини, бу дастурда қишлоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун тегишли тадбирлар, шу жумладан, молиявий омиллар ва солиқ имтиёзлари кўзда тутилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шу ўринда, мамлакатимизда 2006-2010 йиллар мобайнида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури қабул қилинганлиги ҳамда уни амалга ошириш борасида маълум тадбирлар белгиланганлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур дастурнинг мақсади шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида 2006-2010 йиллар мобайнида чорва молларини, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантиришдан иборат.

Бу дастурнинг амалга оширилиши жойлардаги мутасадди раҳбарлар томонидан қуйидаги ишларнинг бажарилишини тақозо этади:

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган фуқароларни меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш;
- ҳомийлар томонидан эҳтиёжманд оилаларга қорамоллар берилишини таъминлаш;
- чорвачилик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишини таъминлаш;
- микрокредитларни ўз вақтида ва керакли миқдорда ажратилишини назорат қилиш;
- зооветеринария шахобчаларини ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини таъминлаш;
- сунъий уруғлантириш шахобчаларини ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини таъминлаш;
- қорамолларни сўйиш учун кушхоналар ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини таъминлаш;
- зотли қорамолларни аукцион орқали сотилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- омухта ем сотиш шахобчаларини кўпайтириш.⁶

Дастур доирасида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун қорамолларни сотиб олиш учун ажратилаётган кредитлар ҳолатини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (10-жадвал).

2.2.2-жадвал

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун қорамолларни сотиб олиш учун ажратилаётган кредитлар ҳолати (2009 йил ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан:	
		“Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси”	Тижорат банклари
Дастур ва қўшимча топшириқ бўйича 2009 йилда, млн. сўм	24600,2	8000	16600,2
Ҳақиқатда, млн. сўм (1 декабр 2006 йил ҳолатига)	30990,0	9166,2	21823,9
Бажарилиши, фоиз ҳисобида	126,0	114,6	131,5

⁶ «Туман ва шаҳар ҳокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъруза материаллари.

Кредит олиш учун ариза берган оилалар сони	44652	17343	27309
Кредит олган оилалар сони	41998	15386	26612
Кредит билан таъминланиш даражаси, фоиз	94,1	88,7	97,4

Манба: «Туман ва шаҳар ҳокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъруза материаллари.

Маърузада бугунги кунда чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, наслчиликни тубдан яхшилаш, ветеринария ва зоотехника хизматининг замонавий тармоғини ташкил этиш, ем-хашак, аввало, омухта озуқа билан таъминлаш каби муаммолар ҳамон долзарблигича қолаётганлиги танқид остига олинади. Дарҳақиқат, зотли молларни аукцион орқали сотиш, омухта ем сотиш пунктларини ташкил этиш каби дастурий вазифалар мўлжалдагидан зиёд бажарилаётган бўлсада, уларнинг амалдаги миқдорлари ҳали аҳамиятсиз даражада эканлигини кўриш мумкин (11-жадвал).

2.2.3-жадвал

2009 йилда зотли молларни аукцион орқали сотиш, омухта ем сотиш пунктларини ташкил этиш топшириқларининг бажарилиши

Кўрсаткичлар	Дастур ва кўшимча топшириқ бўйича	Ҳақиқатда, млн. сўм (1 декабр 2006 йил ҳолатига)	Бажарилиши, фоиз хисобида
Зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун аукцион орқали сотиш, бош	16 250	16 926	104,2
«Ўздонмахсулот» ДАК корхоналари томонидан ташкил этилган омухта ем сотиш пунктларининг ташкил этилиши	110	374	340,0

Манба: «Туман ва шаҳар ҳокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъруза материаллари.

Шу ўринда, мазкур дастурнинг бажарилишида йўл қўйилаётган асосий камчиликларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- ташкил қилинган кушхона ва сўйиш шахобчалари керакли асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмаганлиги;
- аҳолига насли молларни аукцион орқали сотиш талаб даражасида эмаслиги;
- аҳолига қорамол сотиб олиш учун “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси” ҳисобидан кредит ажратишнинг сустлиги;
- кам таъминланган оилаларга нодавлат жамғарма маблағлари ҳисобидан дастурда белгиланган бепул ажратмалар суст амалга оширилаётганлиги;
- сунъий уруғлантириш пунктларининг жиҳозланиши талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.⁷

2.3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

⁷ «Туман ва шаҳар ҳокимларининг давлат мақсадли дастурларини асосли шакллантириш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги асосий вазифалари» бўйича маъруза материаллари.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мулкый муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини тақомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш. Ушбу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширган фермерларни иқтисодий рағбатлантириш механизмини жорий этиш.

3. Сув хўжалиги тизимини тақомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- наслчиликни тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликларга қарши қураш тизимини янада тақомиллаштириш;
- озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражаларига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуктаи назаридан:

- қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;
- ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

- давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизими такомиллаштириш;

- пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизминини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, насли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технологиялар ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратлар импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини яна кенгайтириш;

- қишлоқ жойларига кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

- унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хом ашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

- экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

- хориждан келтирилган насли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла курти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

Республикамизнинг аграр секторида ишлаб чиқаришнинг тобора бозор тамойиллари асосида ривожланаётганлиги ишлаб чиқариш таркибида фермер хўжаликлари улуши ортиб бораётганлиги билан белгиланади. Олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат бераётгани, ширкат хўжаликлари асосида фермер хўжаликларини ташкил қилишнинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- ширкат хўжаликларининг аъзолари амалдаги қонунларга мувофиқ мулкӣ ва ер пайига эга бўлган ҳолда уларни ширкат хўжалиги фаолиятининг йилига пировард натижасидан моддий манфаатдорлигининг пастлиги ёки умуман йўқлиги;

- оилавий пудратчилардан ўз ерларига эгалик ва ундан мустақил фойдаланишни амалда чегараланганлиги;

- ширкат хўжаликларига мавжуд мол-мулкнинг одатда эгасиз ҳолатда эканлиги;

- маҳсулот етиштириш ва ерни ижарага бириктириш тўғрисидаги шартномаларни бажарилишида томонлар ўз мажбуриятлари ва жавобгарликларини тўлиқ ҳис қилмасликлари;

- оилавий пудратчиларда ўз ерининг унумдорлигини ошириш, шўрланишини

камайтириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга бўлган жавобгарлик ва масъулият ҳиссининг йўқлиги;

- оилавий пудратчиларда бириктирилган ерларда экинлардан юқори ҳосилдорликга эришиш ва сифатли маҳсулот етиштиришга бўлган моддий манфаатдорлиги пастлиги;

- етиштирилаётган маҳсулотлар нарҳи ва қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган саноат маҳсулотлари нарҳи ўртасидаги номутаносиблик;

- ширкат хўжалиги бошлиқлари, бош мутахассислари ва аъзоларининг малакаларини ошириш бўйича тадбирларни олиб борилмаслиги ва шу каби бошқа ҳолатлар бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг бозор муносабатларига мослашиш ҳамда ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш босқичида турғун ривожланиши учун давлат фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаши ҳамда уларга банклар кредитларидан ҳамда ташқи инвесторлар маблағларидан фойдаланиши имконини бериши лозим. Бунинг асосида фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рентабеллигини ошириш ҳамда бундай тенденцияни кейинги йилларда ҳам сақлаб қолиш учун деҳқончилик ва чорвачиликда юқори унумдор ва ресурс тежовчи технологияларни жорий эта оладилар.

Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг бозор шароитларига мослашиши ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлашуви давридир. Бу босқичнинг ҳуқуқий негизини “ Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ва “Ер кодекси” Қонунлари, “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари , “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб- қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар ташкил қилди.

Бу ҳуқуқий –меъёрий ҳужжатлар мақсади кам рентабеллик ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари асосида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларни самарали фаолият олиб боришига етарли шарт –шароитлар яратишдан иборатдир. Ҳозирги даврда фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши уларга бириктирилган ер майдонларини мақбуллаштириш жараёни билан боғлиқдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Молиявий барқарор ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларни шакллантириш уларни инновацион ривожланиш моделига ўтиш муаммолари билан боғлиқдир. Замонавий тенденциялар (ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишига) инновацион омилларни стратегик аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Шу сабабли тадқиқотда рақобатбардош маҳсулот етказувчи фермер хўжаликларни ривожлантириш уларни давлат тарифидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш ва рақобат мухитни шакллантиришининг институционал шароитини яратиш бўйича таклифлар асосланди.

Кўйилган мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар бажарилиши лозим:

- молиявий барқарор ва рақобатбардош товар ишлаб чиқарувчиларини шакллантириш учун фермер хўжаликларини қайта ташкил қилиш. Ҳоразм вилояти фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар ишининг самарадорлиги ер майдонлари миқдорига, техника билан таъминланганликка ва бошқа ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ.

Олиб борилган изланишлар шуни тасдиқламоқдаки, кичик ҳажмдаги фермер хўжаликларини юритишнинг бир қанча салбий томонлари мавжуд. Жумладан:

- фермер хўжалигининг ер майдони кичиклиги сабабли кам даромад олади ва олинган даромад нафақат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни балки, оддий такрор ишлаб чиқаришни ҳам таъминлай олмайди;

- фермер хўжаликлари ўзларининг моддий-техника базасини яратиш имкониятига эга бўлмайдилар;
- фермер хўжаликларининг кредит олишига имконияти кам ва кредитни қайтармаслик хавфи юқори бўлади;
- илғор технология ва фан-техника ютуқларини жорий қилиш имконияти чегараланган бўлади;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати паст, таннархи юқори бўлади;
- олинаётган даромаднинг камлиги туфайли тупроқ унумдорлигини ошириш учун инвестиция қилиш имконияти бўлмайди;
- алмашлаб экиш тизимини жорий этиш имконияти чекланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-3077 фармойишидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш Хоразм вилояти бўйича қуйидаги тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

- тугатилган фермер хўжаликларининг дебитор ва кредитор қарзларини тўлиқ таҳлил қилиш ва уларни ундириш чоралари етарли даражада кўрилмаётганлиги;
- тугатилган фермер хўжаликлари томонидан лизинг ва банк кредити ҳисобига олинган техникаларни йириклаштирилган фермер хўжаликлари балансига ўтказиш;
- тугатилган фермер хўжаликлари томонидан 2009 йил ҳосили учун қилинган сарф харажатларини тўлиқ ҳисоблаш ва уни йириклаштирилган фермер хўжаликларига икки томонлама далолатномалар асосида расмийлаштириш;
- йириклаштирилган фермер хўжаликларига ер участкаларни ижара асосида бириктириш, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузиш;
- тугатилган фермер хўжаликларининг ишчиларини йириклаштирилган фермер хўжаликларига ўтказиб, улар билан меҳнат шартномалари тузиш ва меҳнат дафтарчаларини очиш;
- замонавий технологияларни жорий қилиш асосида фермер хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Замонавий технологияларни жорий этиш воситасида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишнинг асосий йўналишлари:

- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига ўтиш илғор технологияларни ривожлантириш, агросаноат мажмуаси учун техник воситаларни ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарининг техник даражасини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмас вазифаларни ҳал қилишни талаб этадики, улар экологик хавфсиз ва ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш имконини беради;
- замонавий ресурс тежовчи технологияларни ўзлаштириш зарурати шу билан белгиланадики, деҳқончиликдаги, айниқса пахтачиликдаги беқарорлик айрим йиллардаги ноқулай шароитлар билангина эмас, балки қишлоқ хўжалигини юритишнинг бугунги кун талабларига ва жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган техник даражаси билан ҳам изоҳланади. Шу сабабли ушбу муаммонинг ҳал этилиши молиявий харажатларни ҳамда замонавий рақобатбардош технологияларни жорий этишни тақозо этади.
- сўнгги йилларда ёнилғи ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси нархларининг кескин ошиб кетгани муносабати билан замонавий, кам чиқимли технологияларга ўтиш зарурати айниқса ошди.

Молиявий ресурслардан ва кредитлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари йил сайин ошиб бормоқда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва

молларининг маҳсулдорлиги ҳам ишлаб чиқариш яхши ташкил қилинган фермер ва деҳқон хўжаликларида янги технологияларни жорий этиш туфайли ортмоқда.

Бандлик ва даромадларни оширишнинг қишлоқ хуудларини барқарор ривожлантиришни таъминловчи шаклларида бири қишлоқ хўжалиги кооперациясидир. Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- фермер ва деҳқонларнинг ички молиявий ресурсларини ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун сафарбар қилиш;
- қишлоқ ҳамжамиятлари молиявий ресурсларини жалб қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини инвестициялаш;
- ишлаб чиқарувчилар саъйи-ҳаракатларини бирлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самаралироқ бозорга олиб чиқиш ва сотиш;
- жамоавий харидлар йўли билан тақсимлашнинг монопол тизимларини четлаб ўтиб қишлоқ хўжалиги ресурсларидан фойдаланиш;
- қайта ишлаш бўйича кооператив корхоналарни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг даромадлигини ошириш;
- кредитларни таъминлаш қобилиятини ошириш ҳисобига банк кредитларидан фойдаланиш;
- кооперативларга бирлашган қишлоқ тадбиркорлари даромадларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши учун шароитлар яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Президент И. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 17 февраль

7. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз

фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 998.– 49 б.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 5 б.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. Фермер ва деҳқонлар ҳуқуқи алифбоси.– Т.: Мехнат, 2003.– 36 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, Расмий нашр. 2002, № 1. 67 б.

16. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: 2004, 304 б.

17. Ғаниев М. Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари. Т.: . Жамият ва бошқарув №4. 2003.

18. Кулиев Т. Пахта толаси: экспортга таъсир этувчи омиллар. Т.: Жамият ва бошқарув. №1. 2003.

19. Кушакаев Б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида инвестициянинг аҳамияти. Т.: . Бозор, пул ва кредит. №5. 2004.

20. Қутлиқов М. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. Т.:Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2003. №4. 50 б.

21.О. Олимжонов, Т. Фармонов, С. Сирожиддинов, М Косимов, И Рафиқов. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий молиявий асослари – Т.: Уневирситет, 2005.

22. Ҳолиқов Б. Тупроқ унумдорлиги. – Тошкент: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004. № 1. – Б. 17–18.

23. Ҳусанов Р.Ҳ., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юриштининг илмий ва амалий асослари. – Т.: 2000, 102 б.

24. Ҳусанов Р. Ислохотларнинг илмий асослари. – Т.: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003. №1. 17–18 б.

25. Ҳусайнов Ж. Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик ва рентабеллик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2002. № 3. 14 б.

26. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000 – 2011 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

27. Хоразм вилояти статистика бошқармасининг 2000 – 2011 йиллардаги маълумотлари.

28. Хоразм вилоят фермер хўжаликлари уюшмасининг 2003-2007 йиллардаги маълумотлари.

